

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2018 йил
14 июндаги Умумий йиғилиши
қарори билан
(2018 йил 14 июндаги 1-сонли
баённома)



“KVARTS” AKSIYADORLIK JAMIYATI

ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ

НИЗОМ

2018 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу «Kvarts» акциядорлик жамияти дивиденд сиёсати тўғрисида»ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, «Kvarts» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Устави, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу Низомда Жамият дивиденд сиёсатида ақс эттирилиши ва ошқор этилиши лозим бўлган умумий масалалар келтирилади.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини оширишга ва Жамият капиталлашуви ўсишини таъминлашга қаратилган. Низом акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамият дивиденд сиёсати ҳақида хабардор қилишни ўз мақсади деб билади.

Ушбу Низом Жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартибига доир тавсияларни ишлаб чиқишга ёндашувини белгилашга мўлжалланган.

Агар Жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ бирор бир масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият Устави ва ушбу Низом билан тартибга солинмаган бўлса, у ҳолда улар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, ҳал этилади.

3. Ушбу дивиденд сиёсати 2016 – 2020 йиллардаги давр учун ишлаб чиқилган. Жамият ушбу даврда ҳар йилда дивидендлар тўловига соф фойданинг 50 фоизгача қисмини йўналтиришни кўзда тутди. Қолган маблағлар инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан йил якунлари бўйича рағбатлантириш ва бошқа жамғармаларни ташкил этишга йўналтирилади. Соф фойдани тақсимлаш тартиби ва инвестициявий лойиҳаларнинг асосий параметрлари (йўналиши, инвестициялар ҳажми, техник-иқтисодий кўрсаткичлари) Жамият сайтида жойлаштирилади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ҳукуматининг Қарорлари билан тасдиқланган инвестиция дастурларига киритилган, шунингдек жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятда йирик инвестиция лойиҳалари амалга ошириш учун йил якуни бўйича соф фойдадан дивидендга ажратмаслик тўғрисида акциядорлар умумий йиғилиши қарор қабул қилиши мумкин. Бунда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилган маблағлар акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан устав фондига капитализация қилиниши кўзда тутилади.

4. Жамият капиталлашувнинг ўсишини акциядорларнинг Жамият акцияларидан даромад олиш бўйича мулкӣ манфаатларини қондиришнинг асосий усули деб ҳисоблайди. Дивиденд сиёсати Жамият томонидан олинган фойданинг сарфланадиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги мутаносибликни акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида оптималлаштиришга йўналтирилади.

5. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шаффофлик тамойили дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этадиган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби ва шартларини белгилашни ва ошқор этишни кўзда тутади;

долзарблик тамойили дивиденд тўловларини амалга оширишда вақтинчалик чегараларни белгилашни аниқлатади;

асослилиқ тамойили дивидендларнинг миқдори ва тўлаш ҳақида қарор фақат Жамият томонидан ижобий молиявий натижага эришилган тақдирда Жамиятнинг реал молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг ривожлантириш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкинлигини аниқлатади;

ҳолислик тамойили деганда, дивидендлар тўлаш, дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар ҳақида ахборотни олишда акциядорларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш тушунилади;

кетма-кетлик тамойили дивиденд сиёсати тамойилларини ва тартиб-таомилларини катъий бажаришни аниқлатади;

ривожланиш тамойили дивиденд сиёсатини корпоратив бошқарув тартиб-таомилларини яхшилаш доирасида доимий равишда такомиллаштиришни ва унинг ҳолатларини Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан қайта кўриб чиқишни аниқлатади;

барқарорлик тамойили Жамиятнинг дивиденд тўловларининг барқарор даражасини таъминлашга интилишини аниқлатади.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) Жамиятнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

7. Жамият эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Дивидендлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқлар ҳисоблаш ва олиш харажатлари, дивидендлар ўтказиш, почта харажатлари) бошқарув органлари қарорига кўра дивиденд олаётган акциядор зиммасига юкланмаслиги лозим. Жамият акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгар бўлади.

8. Дивидендлар:

жойлаштирилмаган акциялар бўйича;

Жамият томонидан олинган ва/ёки қайта сотиб олинган акциялар бўйича;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳисобланмайди ва тўланмайди.

9. Жамият «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 54-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

II. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ

10. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, ушбу Низомнинг 8-бандида

кўрсатилган акциялардан бошқа акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар Жамиятнинг Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Бунда дивидендларни ўз вақтида тўлаш ва дивидендларни тўлаш учун айланма маблағлар ҳисобидан олинган маблағлар эвазига Жамият молиявий ҳолатининг ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида Жамият томонидан Жамият даромади ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарздорлиги бўйича захира ташкил этилади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади. Жамият Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисида тавсиялар киритади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

12. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорида қуйидагилар белгиланиши лозим:

дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акциялар тоифаси(тури);

муайян турдаги битта акцияга ҳисобланган дивиденд миқдори;

дивидендлар тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш имкони бўлмаганда, дивидендлар ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

13. Акциядорлар йиғилишига тавсия этиладиган акциялар бўйича дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан қуйидаги омиллардан келиб чиққан ҳолда, белгиланади:

ишончлилиги аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларига мувофиқ соф фойданинг миқдоридан;

Жамиятнинг кейинги даврларга мўлжалланган молия-хўжалик режаларидан;

Жамиятнинг тегишли давр якунидаги айланма маблағлари тузилмасидан;

Жамиятнинг тегишли давр якунидаги қарздорлиги ҳажмидан.

14. Кузатув кенгаши тавсия этиладиган дивидендлар миқдорини белгилашда Жамиятнинг кейинги даврларга мўлжалланган молия-хўжалик режаларини, Жамият мажбуриятлари ва айланма маблағларининг жорий ва келгусидаги ҳолатини инобатга олиши лозим. Кузатув кенгаши томонидан Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар тўлови Жамият томонидан қўшимча қарздорлик молиялаштириши жалб этишни ёки кейинги даврларга мўлжалланган молия-хўжалик режаларида назарда тутилмаган бошқа сарфларни келтириб чиқармаслиги зарур.

III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

15. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа конуний тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

16. Дивидендларни тўлаш муддати Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги лозим.

17. Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда қимматли қоғозлар эгалари ҳисобланган дивидендларни ололмаган ҳолларда ушбу (талаб қилиб олинмаган) дивидендларни тўлашни давом эттиради. Талаб қилиб олинмаган дивидендларни тўлаш даври Жамият томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш мажбуриятини бажариш муддати тугаган санадан эътиборан уч йилдан кўп муддатни ташкил этмаслиги лозим.

18. Дивидендлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобладиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

19. Жамиятнинг ўз вазифаларини бажариш билан бирга акциядорлар билан ишлашни амалга оширадиган тузилмавий бўлинмаси Жамият бухгалтерияси билан биргаликда Жамият томонидан ушбу Низомда назарда тутилган дивидендлар тўловини ташкил қилиш бўйича барча тадбирларни тайёрлашни, мувофиқлаштиришни ва ўтказишни амалга оширади.

20. Исталган акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивидендлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида, дивидендлар суммасига солиқ солиш ва ҳисоблаш тартиби тўғрисида ҳамда тўлаш шартлари тўғрисида ахборот тақдим этиш сўрови билан мурожаат қилишга ҳақли.

21. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

22. Акциялар улушли мулкда бўлган ҳолларда, дивиденд белгиланган тартибда акциядорлар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб тарзда тақсимланади.

23. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни тақдим этмаган ҳолларда, бунинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарий ва/ёки инвестиция воситачиси жавобгар бўлмайди.

24. Акциядор ўз банк реквизитларини ёки дивидендлар ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган, ёхуд кўрсатилган реквизитлар ҳақида Жамиятга хабар қилмаган, ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган тақдирда, Жамият шунинг натижасида акциядорга етказилган зарар учун жавобгар бўлмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилгандан кейин уларни аниқлаштирилган реквизитлар бўйича акциядорга ўтказиш уларнинг қайтарилишига ва такрорий ўтказилишига кетган харажатлар чегирилиб қолingan ҳолда, амалга оширилади.

25. Жамият акциядорларга уларга тегишли бўлган акциялар бўйича даромадларни тўлашда солиқ агенти ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган қимматли қоғозлар бўйича олинган даромад учун солинган солиқларни чегирган ҳолда, ҳисобланган дивидендлар тўловини амалга оширади. Солиқ солишнинг белгиланган ставкалари қўлланилмайдиган акциядор Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга (у томонидан жалб этилган Тўлов агентига) тақдим этади.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

26. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

27. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч бири тўлаш муддатлари бўйича имтиёзга эга бўлмайди.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивиденд олишга бўлган тенг ҳуқуқлилигига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Бунда Жамият, агар бунинг натижасида миноритар акциядорларга дивиденд тўлаш белгиланган муддатларда амалга оширилмаса, йирик акциядорга дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

28. Жамиятнинг ижроия органи Жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгар бўлади. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссияси билан биргаликда ижроия органининг ҳаракатларини назорат қилади.

29. Кузатув кенгаши ҳисобланган дивидендларни тўлашни таъминлаш мақсадида ўз мажлисларида дивидендлар тўланишининг бориши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Жамият ижроия органининг айби билан дивидендлар тўлиқ ёхуд ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, Кузатув кенгаши айбдор шахсларга жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли санкцияларни қўллайди ёхуд уларни қўллаш ташаббусини киритади.

30. Жамият ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

31. Жамият Жамиятга юклатилган дивидендлардан солиқ суммаларини ушлаб қолиш ва ўтказиш бўйича солиқ агенти вазифасини бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

32. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият томонидан унинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтида Жамият бошқарув

органининг тегишли қарор қабул қилинган мажлис баённомаси имзолангандан кейин ўн кун мобайнида ошқор этилади.

33. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинганда, Жамият муҳим фактлар тўғрисидаги хабарлар шаклидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ошқор этади. Бунда Жамият томонидан акциядорларга уларга дивидендлар ҳисобланганлиги тўғрисидаги билдиришнома электрон почта орқали юборилади.

34. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилгандан кейин Жамият муҳим фактлар тўғрисидаги хабарлар шаклидаги тегишли ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ошқор этади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

35. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

36. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши, Жамият тафтиш комиссияси, Жамият ички аудит хизмати аъзоларининг, Жамият ижроия органи раҳбарининг таклифига кўра киритилади.

37. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилган пайтга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

Бошқарув раиси



А.Пулатов

МУНДАРИЖА

- I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
- II. ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ ВА МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБИ
- III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ
- IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК
- V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ
- VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР